1-ŞÖBA · VETERINARIYA MEDITSINASI VA HAYVONLAR SALOMATLIGI

UDK: 619:616.98:579.852.11

ҚУЁНЛАРНИНГ САЛЬМОНЕЛЛЁЗЛИ АБОРТИДА ПАТОЛОГОАНАТОМИК ТЕКШРИШЛАР НАТИЖАЛАРИ

О.М.Абдураимова - таянч докторант,

О.А.Джураев - в.ф.н, катта илмий ходим.

Ветеринария илмий-тадқиқот институти.

DOI
10.66073/ReFocus-Conf/1311053

NASHR SANASI
13.11.2026 · Nukus

SAHIFALAR
268–273

NASHR HAMKORI
Research Focus
ISSN 2181-3833

IQTIBOS UÇUN Абдураимова О.М., Джураев О.А. Қуёнларнинг сальмонеллёзли абортида патологоанатомик текшришлар натижалари // Veterinariya meditsinasi va çorvaçilikdagi dolzarb muammolar va ularning yeçimlari: xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik anjuman materiallari. – Nukus, 2026. – B. 268–273. – DOI: 10.66073/ReFocus-Conf/1311053

АННОТАЦИЯ **отация.** Мақолада сунъий тарзда сальмонеллалар юқтирилган қуёнларда ривожланадиган патологоанатомик ўзгаришлар туфайли содир бўлган аборт ҳолатлари ёритилган. Тажриба қуёнлари бўғозлигининг учинчи ўн кунлигида *S.abortus ovis* абортларга сабаб бўлиши ҳамда кўпайиш органлари, айниқса бачадонда, кучли патологик жараёнлар келтириб чиқариши аниқланган.

КАЛИТ СЎЗЛАР **сўзлар:** сальмонеллёз, *S.abortus ovis,* қуёнлар, экспериментал инфекция, абортлар, ҳомила, репродуктив аъзолар, патология.

РЕЗУЛЬТАТЫ ПАТОЛОГОАНАТОМИЧЕСКИХ ВСКРЫТИЙ ПРИ САЛЬМОНЕЛЛЕЗНОМ АБОРТЕ КРОЛИКОВ

О.М.Абдураимова – докторант,

О.А.Джураев – к.в.н., ст.н.с.

Научно-исследовательский институт ветеринарии.

АННОТАЦИЯ **отация.** В статье освещены случаи проявления абортов у крольчих, искусственно зараженных сальмонеллами и картина патологоанатомического вскрытия. Установлено, что под воздействием *S.abortus ovis* в третьей декаде беременности происходят аборты у подопытных самок кроликов и развиваются глубокие патологические процессы в органах размножения, особенно в матке.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА **слова:** сальмонеллёз, *S.abortus ovis*, кролики, экспериментальная инфекция, аборты, плод, органы размножения, патология.

RESULTS OF PATHOLOGICAL EXAMINATIONS IN RABBIT SALMONELLOSIS ABORTION

O.M. Abduraimova – doctoral student

O.A. Dzhuraev – Candidate of Veterinary Sciences, Senior Researcher

Research Institute of Veterinary Medicine.

ANNOTATION **otation.** The article describes the findings of a pathological autopsy performed on rabbit females that were artificially infected with salmonella. It has been established that under the influence of

S. abortus ovis, abortions occur in the second half of pregnancy in the experimental female rabbits, and deep pathological processes develop in the reproductive organs, especially in the uterus.

KEYWORDS **ywords:** salmonellosis, *S.abortus ovis*, rabbits, experimental infection, abortions, fetus, reproductive organs, pathology.

Кириш. Сальмонеллёз – қишлоқ хўжалиги ва бошқа тур ҳайвонларда учрайдиган ва репродуктив тизимга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган юқумли касалликлардан биридир. Сальмонелла бактерияси билан зарарланиш натижасида ҳайвонда умумий интоксикация, ичак фаолиятининг бузилиши, септик жараён ривожланади, шунингдек репродуктив органларда ҳам патологик ўзгаришлар кузатилиши мумкин.

Ҳайвонлар сальмонеллёзининг репродуктив шакли, айниқса ҳомиладорликнинг бузилиши ва аборт ҳолатлари, ветеринария амалиётида муҳим аҳамиятга эга. Аборт сабабларини аниқлашда клиник кузатув билан бир қаторда бактериал, патоморфологик ва гистологик текширувлардан фойдаланиш – касалликни бошқа аборт чақирувчи инфекциялардан фарқлаш имконини беради. Қуёнлар экспериментал тадқиқотларда биологик модель сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ҳайвонлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, қуёнларда салъмонеллёз инфекцияси таъсирида репродуктив жараёнларнинг бузилиши, абортлар рўй бериши ва бунда бачадон ҳамда ҳомила тўқималарида юзага келадиган патологик ўзгаришларни ўрганиш илмий ва амалий жиҳатдан муҳимдир.

Материал ва методлар. Ўтказилган тадқиқотларнинг мақсади – сальмонеллалар билан экспериментал зарарлашдан сўнг қуёнларда ривожланадиган клиник кўринишларни ўрганиш ҳамда кейинги патоморфологик тадқиқотлар ўтказишдан иборат. Изланишлар Ветеринария илмий-тадқиқот институти микробиология лабораториясининг виварий шароитида тажриба қуёнларда олиб борилди. Тажриба учун 20 бош жинсий жиҳатдан етилган урғочи қуён танлаб олинди. Бунда тажриба гуруҳлари клиник жиҳатдан соғлом, умумий физиологик ҳолати қониқарли бўлган қуёнлардан шакллантирилди. Урғочи қуёнларни маълум вақт давомида эркак қуёнлар билан жуфтлаштириб, уруғланиш жараёни таъминланди. Жуфтлаштиришдан кейин урғочи қуёнлар эркак қуёнлардан ажратилиб, кейинги кузатувлар алоҳида олиб борилди.

ҚУЁНЛАРДА ЎТКАЗИЛГАН ТАЖРИБА СХЕМАСИ

Гуруҳлар	Ҳайвонлар бош сони	Қўзғатувчининг тури	Юқтириш миқдори, КҲҚБ	Юқтириш усули
1	5	*S.abortus ovis*	0,5 млрд	Интравагинал
2	5	*S.abortus ovis*	0,75 млрд	Интровагинал
3	5	*S.abortus ovis*	1,0 млрд	интровагинал-
4	5	Назорат	Юқтирилмади	

Бунда қуёнлар 5 бошдан 4 та гуруҳга ажратилди. 1-тажриба гуруҳидаги қуёнларга *S.abortus ovis* 0,5 миллиард, 2-гуруҳга – 0,75 миллиард ва 3-гуруҳга – 1 миллиард КҲҚБ

миқдорида интравагинал усулда юборилди. 4-назорат гуруҳи ҳайвонларига қўзғатувчи юқтирилмади (жадвалга қаранг).

Тажрибада мунтазам тарзда ҳайвонларнинг умумий клиник ҳолати, тана ҳарорати, иштаҳаси, фаоллиги, ташқи жинсий аъзолардан ажратмалар келиши, ҳомиладорликнинг кечиши, аборт ҳолатининг юзага келиши кузатиб борилди. Тажриба давомида қуёнларда аборт ҳолатлари кузатилди ва ички азолардаги патологанатомик ўзгаришлар ўрганилди. Аборт кузатилган ҳамда шу заҳоти диагностик мақсадда сўйилган қуёнларни текширишда репродуктив тизим ва ички паренхиматоз аъзоларда турли морфологик ўзгаришлар ўрганилди.

1-гуруҳда 2 бош ва 3-гуруҳда 2 бош қуёнда ўлим ҳолати кузатилди. Патологоанатомик текширишларда ўпка ва юракда ўзгаришлар деярли аниқланмади. Бўйраклар капсуласи енгил ажралади, капсула остида майда нуқтали, чизиқли ва ўчоқли қон қуйилишлар мавжуд; жигар бироз катталашган ва оч-сарғиш тусли ўчоқ мавжуд, унинг ўрта қисми 2,5-3 марта



1-расм. Диагностик максадда сўйилган куён бачадонидаги кучли патологик жараёнлар.

катталашган ҳамда тўлиқ циррозга учраган; талоқ ингичкалашиб, жуда чўзилиб кетган. Бачадон щохларининг эни 1 см, бўйи эса 8-10 см гача йириклашгани, катилидонлар кўзга яққол кўринади (1- ва 2-расмлар).

https://doi.org/10.66073/ReFocus-Conf/1311053



2-расм. Бачадон деворидаги кучли геморрагия ва ташланган хомила.


2- ва 3-тажриба гуруҳнинг ҳомила ташлаган ва диагностик мақсадда сўйилган 6 бошида қуёнларнинг йириклашган бачадони ҳали ўз ўрнига қайтмаган. Бачадон ички шиллиқ қаватига қон қуйилган ва деворида қонга тўлган майда қон томирлари кўриниб турибди, қўнғир қизил тусдаги катилидонлар катталашган. Тухумдонлар йирик, тухум йўлларида ўзгаришлар аниқланмади.

Ҳомиласи тушган қуёнларнинг кўкрак қафасида 15-20 мл қонли суюқлик тўпланган, ўпка яхши ривожланган, олд ва орт томонларида тўқ-қизил ўчоқли, нуқтали қон қуйилишлар кўзга кўринади (3- ва 4-расмлар). Юрак бўшашган, қизил-қўнғир тусда, қулоқчаларида ўзгариш йўқ. Жигар хажми бироз катталашган, ўт пуфаги тўқ-яшил тусдаги ўт суюқлиги билан тўлган. Бўйракларда ўзгариш йўқ. Талоқ бироз катталашган, тўқ-қизил майда нуқтали қон қуйилишлар мавжуд.

Қуёнларнинг ташқи ҳолатидаги ланжлик, фаол ҳаракатнинг деярли йўқлиги, кучли диарея туфайли, шунингдек организмда ҳомиланинг ривожлангани ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида 4 бош қуён сўйилди. Бунда ҳомилаларнинг мавжудлиги аниқланди, аммо, ички органларида қуйидаги патологоанатомик ўзгаришлар кузатилди: юрак катталашган, консистенцияси бўшашган; ўпкада ўчоқли қон қуйилишлар мавжуд. Талоқ бироз катталашган, ўрта қисмида қон қуйилган ўчоқ мавжуд. Бўйракларнинг устки қисмида ҳажми 4-8 мм бўлган деярли қора тусдаги 2-3 та қон қуйилган ўчоқлар мавжуд ва улар 2 мм гача паренхимага кириб борган.



3-расм.Аборт бўлган ҳомила ва ўпкадаги ўчоқли қон қуйилишлари.



4-расм. Бўғозликнинг охирги ўн кунлигида тушган ҳомила.

https://doi.org/10.66073/ReFocus-Conf/1311053

Хулоса. Патологоанатомик текширишлар жараёнида аниқланишича, *S.abortus ovis* ўзининг патоген таъсири туфайли бўғозликнинг иккинчи даврида қуёнларда абортлар содир бўлишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, мазкур қўзғатувчи таъсирининг оқибати ўлим билан ҳам тугайди. Шунингдек, бунда бачадоннинг катталашиши, бачадон шиллиқ қаватида кучли геморрагиялар, айрим ички азоларда ўчоқли қон қуйилишлар, талоқнинг катталашиши ва кўкрак бўшлиғида қонли суюқлик тўпланиши каби ўзгаришлар қайд этилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. 1. Антонов Б.И. и соавт. ”Лабораторные исследования в ветеринарии. Бактериальные инфекции”. М.,”Агропромиздат”.1986. 352 с.
2. 2.Агзамходжаев Т.С., Хайдаров М.Б., Исмаилова М.У., Толипов М.Г., Бабаниязов К.К. “Клиник лаборатор ташхислаш ва текширув усуллари”. Ўқув қўлланмаси. Т., 2016 йил. 198 с.
3. 3. Джураев О.А.. “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини патологанотомик ёриб текшириш”. Ветеринария медицинаси” ж. 2022, 12. 28-29-с.
4. 4. Джураев О.А. “Патологоанатомическое вскрытие животных и птиц”. Самарканд. Изд. ООО “SHUXRAT MENGLIEV” 2026. 162 с.
5. 5. Ибодуллаев Ф. “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг патологик анатомияси”. Т. “Ўзбекистон”. 2000. 420 с.
6. 6. Леонтюк С.В., Дубинский А.А., Гусев Б.А., Демина М.Ф., “Болезни кроликов”. Москва., “Колос”. 1974. 84 с.
7. 7. Комплаский В.И. и др. “Эффективное кролиководство”. Куб ГАУ. Краснодар. 2013. 168 с.
8. 8. Хаитов Р.Х., Эшимов Д.Э. ’’Ҳайвонлар патологик физиологияси”. Тошкент,. “ILM-ZIYO”, 2013. 216 с.
9. 9. Шахов А.Г., Трубников П.К., Налетов И.С., ’’Энзоотический аборт овец’’. “Ветеринария”. 1975. Москва (medical-diss.com).
10. 10. Щербань Г.П., Щербань Н.Ф. ”Энзоотический (вирусный) аборт овец”. Москва. ж. “Ветеринария”. 1974, 8. с.85-87.
11. 11. Internet ma’lumotlari, pubmed.ncbi.nlm.nih.gov., medical-diss.com.